

“Ўзметкомбинат” АЖ
акциядорларнинг йиллик умумий
йиғилиши кворуми ҳақида
1-БАЁН

Йиғилиш ўтказилган жой манзили: Тошкент вилояти, Бекобод шаҳри, Истикбол кўчаси, 1-уй, Metallурглар маданият саройи.

Йиғилиш ўтказилган сана: 2025 йил 30 июнь

Йиғилиш ўтказилган вақт: 10:00

КВОРУМ:

Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 68-моддасига мувофиқ, акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш учун рўйхатдан ўтказиш тугалланган пайтда жамиятнинг жойлаштирилган овоз берувчи акцияларнинг жами эллик фоизидан кўпроқ овозига эга бўлган акциядорлар (уларнинг вакиллари) рўйхатдан ўтган бўлса, акциядорларнинг умумий йиғилиши қарор қабул қилишга ваколатли (кворумга эга) деб топилади ҳамда 58-моддасига мувофиқ, акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш чоғида умумий йиғилиш кун тартибидаги масалаларни муҳокама қилиш ва овозга қўйилган масалалар бўйича қарорлар қабул қилишда иштирок этиш имкониятини берадиган ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланилиши мумкин.

Овоз бериш ҳуқуқига эга акцияларнинг умумий сони – **593 472 119** дона.

Умумий йиғилишда бюллетен тўлдириш орқали қатнашган овоз берувчи акциялар сони – **548 540 840** дона.

Умумий йиғилишда масофадан туриб электрон овоз бериш орқали қатнашган овоз берувчи акциялар сони – **110 913** дона.

Йиғилиш кворуми овоз берувчи акцияларнинг **92,45** фоизини ташкил этди.

Санок комиссияси:

 _____ К.К. Равшанов

_____ А.А. Бабаев

 _____ М.Н. Бабакулова

Баён тузилган сана: 2025 йил 1 июль

“Ўзметкомбинат” АЖ
акциядорларининг йиллик умумий
йиғилиши овоз бериш натижалари ҳақида
2-БАЁН

Йиғилиш ўтказилган жой манзили: Тошкент вилояти, Бекобод шаҳри, Истикбол кўчаси, 1-уй, Metallурглaр маданият саройи.

Йиғилиш ўтказилган сана: 2025 йил 30 июнь

Йиғилиш ўтказилган вақт: 10:00

Овоз бериш ҳуқуқига эга акцияларнинг умумий сони – **593 472 119** дона.

Умумий йиғилишда бюллетень тўлдириш орқали қатнашган овоз берувчи акциялар сони – **548 540 840** дона.

Умумий йиғилишда масофадан туриб электрон овоз бериш орқали қатнашган овоз берувчи акциялар сони – **110 913** дона.

Т/р	Кун тартибидаги масалалар:	Ўқлаб ✓	Қарши ✓	Бетараф ✓
1.	Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишининг регламентини ва Санок комиссияси таркибини тасдиқлаш. Кун тартибидаги масала бўйича овозга қўйилган қарорлар: 1. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишининг регламенти 1-иловага мувофиқ ва Санок комиссияси қуйидаги таркибда тасдиқлансин: – Карим Камилжонович Равшанов – Корпоратив муносабатлар бошқармаси бошлиғи ўринбосари – Бошқарув органлари билан корпоратив муносабатлар бўлими бошлиғи; – Бабаев Азиз Акмалович – Корпоратив муносабатлар бўйича 1-тоифали мутахассис; – Мафтуна Нормухамадовна Бабакулова – Акциядорлар билан ишлаш бўйича мутахассис.	548 335 063	0	10 560

2.	“Ўзметкомбинат” АЖ Ижроия органининг 2024 йил якуни бўйича ҳисоботини кўриб чиқиш: - бизнес-режа бажарилиши тўғрисидаги ҳисоботини тасдиқлаш; - 2024 йил якунлари бўйича фаолият самарадорлигини баҳолаш мезонлари бажарилиши тўғрисида Ижроия органининг ҳисоботини тинглаш; - 2024 йил молиявий-хўжалик фаолияти натижалари бўйича йиллик ҳисоботини тасдиқлаш; - 2024 йил молия-хўжалик фаолияти текшируви натижалари бўйича аудиторлик ташкилоти хулосасини маъқуллаш; - “Ўзметкомбинат” АЖнинг йиллик ҳисоботини тасдиқлаш. Кун тартибидаги масала бўйича овозга қўйилган қарорлар: 1. “Ўзметкомбинат” АЖ Ижроия органининг фаолияти 2024 йил якунлари бўйича “ўрта даражада” деб тан олинсин. 2. 2024 йил молия-хўжалик фаолияти текшируви натижалари бўйича аудиторлик ташкилоти хулосаси маъқуллансин. 3. “Ўзметкомбинат” АЖнинг 2024 йил якуни бўйича бизнес-режа бажарилиши тўғрисидаги ҳисоботи 2-иловага, молиявий-хўжалик фаолияти натижалари бўйича йиллик ҳисоботи 3-иловага ҳамда йиллик ҳисоботи 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.	548 394 991	0	0
3.	“Ўзметкомбинат” АЖ Кузатув кенгашининг 2024 йил фаолияти натижалари бўйича ҳисоботини кўриб чиқиш. Кун тартибидаги масала бўйича овозга қўйилган қарорлар: 1. “Ўзметкомбинат” АЖ Кузатув кенгашининг 2024 йил фаолияти натижалари бўйича ҳисоботи маълумот учун қабул қилинсин.	548 286 355	0	108 636
4.	“Ўзметкомбинат” АЖнинг 2024 йил якуни бўйича фойдаси ва зарарларини тақсимлаш ҳамда дивидендлар тўлаш масаласини кўриб чиқиш. Кун тартибидаги масала бўйича овозга қўйилган қарорлар:	548 252 398	27 720	0


	1. “Ўзметкомбинат” АЖнинг 2024 йил якуни бўйича олинган 348 074 832 180,60 сўмлик соф фойдаси қуйидаги тартибда тақсимлансин: - 2024 йил якуни бўйича захира фондини шакллантириш учун 17 403 741 609,03 сўм ёки соф фойданинг 5 фоизи йўналтирилсин; - миноритар акциядорларга тегишли имтиёзли акциялар учун дивиденд тўловларини амалга ошириш мақсадида 2 945 237 400 сўм ёки соф фойданинг 0,85 фоизи йўналтирилсин, бунда, бир дона имтиёзли акция бўйича дивиденд миқдори солиқларни инобатга олган ҳолда бир дона акция номинал қийматининг 6 фоизи миқдорида, яъни 300 сўм этиб белгилансин; - соф фойданинг қолган 94,15 фоизи, яъни 327 725 853 171,57 сўм Комбинатнинг мавжуд кредит портфелидаги қарздорликларни сўндиришга йўналтирилсин; - дивидендларни тўлаш қарор қабул қилинган кундан эътиборан олтмиш кундан кеч бўлмаган муддатда қонунчиликда ўрнатилган тартибда амалга оширилсин			
5.	“Ўзметкомбинат” АЖнинг янги таҳрирдаги ташкилий тузилмасини тасдиқлаш. Кун тартибидаги масала бўйича овозга қўйилган қарорлар: 1.“Ўзметкомбинат” АЖнинг янги таҳрирдаги ташкилий тузилмаси 5-иловага мувофиқ тасдиқлансин.	548 265 235	107 316	29 040
6.	“Ўзметкомбинат” АЖ Кузатув кенгаши аъзосининг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш масаласини кўриб чиқиш. Кун тартибидаги масала бўйича овозга қўйилган қарорлар: 1.“Ўзметкомбинат” АЖнинг Кузатув кенгаши мустақил аъзоси Катя Рай ваколатлари муддатидан илгари тугатилсин.	548 376 511	1 320	27 720

7.	“Ўзметкомбинат” АЖ жорий хўжалик фаолиятига тааллуқли битимларни белгилаш. Кун тартибидаги масала бўйича овозга қўйилган қарорлар: 1. “Ўзметкомбинат” АЖнинг жорий хўжалик фаолиятига тааллуқли битимлар рўйхати 6-иловага мувофиқ тасдиқлансин.	548 186 576	3 960	138 455
8.	“Ўзметкомбинат” АЖ аффилланган шахслари билан келгусида кундалик хўжалик фаолияти жараёнида акциядорларнинг кейинги йиллик умумий йиғилишигача бўлган даврда тузилиши мумкин бўлган битимларни маъқуллаш. Кун тартибидаги масала бўйича овозга қўйилган қарорлар: 1. “Ўзметкомбинат” АЖнинг аффилланган шахслари билан келгусида кундалик хўжалик фаолияти жараёнида акциядорларнинг кейинги йиллик умумий йиғилишигача бўлган даврда тузилиши мумкин бўлган битимлар рўйхати 7-иловага мувофиқ тасдиқлансин.	548 252 576	1 320	138 455
9.	2024 йил якунлари бўйича Корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натижаларини кўриб чиқиш. Кун тартибидаги масала бўйича овозга қўйилган қарорлар: 1. “Investment Management Group” МЧЖ томонидан 2024 йил якунлари бўйича “Ўзметкомбинат” АЖда корпоратив бошқарув тизими 861 балл билан 72 фоиз - “юқори” деб топилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.	548 248 616	107 316	32 459

Санок комиссияси:

 К.К. Равшанов

 А.А. Бабаев

 М.Н. Бабакулова

Баён тузилган сана: 2025 йил 1 июль